



«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1,3,10

2-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.



«GROSS KASKO GOLD» ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ
ИХТИЁРИЙ СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

Ушбу «GROSS KASKO GOLD» транспорт воситаларини ихтиёрий суфурта қилиш учун оммавий оферта (бундан бүён матнда Оферта деб юритилади) «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖнинг (бундан бүён матнда Суфурталовчи деб юритилади) қўйидаги суфурта шартларида Суфурталовчининг ахборот тизимлари воситасида транспорт воситаларини ихтиёрий суфурта қилиш суфурта шартномасини (бундан бүён матнда Суфурта шартномаси деб юритилади) тузиш юзасидан номаълум доирадаги жисмоний шахсларга йўлланган таклифи бўлиб ҳисобланади. Суфурталовчи ва Суфурта қилдирувчи Шартнома тарафлариdir.

Ушбу Оферта шартларининг қабул қилиниши ва шартлашилган суфурта мукофотининг тўланиши унинг шартларини акцептлаш ҳамда Суфурта қилдирувчининг Суфурта шартномасини тузишга розилиги бўлиб ҳисобланади. Суфурта қилдирувчи томонидан суфурта мукофоти тўланганлиги факти тасдиқланганидан кейин унга электрон суфурта полиси юборилади ва Суфурта шартномаси тузилган деб ҳисобланади.

Суфурталовчининг суфурта ҳодисасини тан олиш ва суфурта төвонини тўлаш (суфурта амал қилишининг бошланиши) бўйича мажбуриятлари Суфуртә қилдирувчи томонидан Суфурталовчининг исталган филиалларида кўздан кечириш (мониторинг) ва фото/видео қайд этиш учун транспорт воситаси тақдим этилгандан, шунингдек, Суфурталанган транспорт воситасини (бундан бүён матнда ТВ деб юритилади) ташки кўздан кечириш далолатномаси имзолангандан кейинги кун кучга киради. Суфурта қилдирувчи томонидан суфурта полиси олинган пайтдан бошлаб 30 (үттиз) кун мобайнида ТВни ташки кўздан кечириш далолатномаси имзоланмаган тақдирда, Суфурта шартномаси амалга ошмаган деб топилиши мумкин ва тўланган суфурта мукофоти Суфурта қилдирувчининг Суфурталовчи раҳбариятига йўлланган ёзма аризаси асосида қайтарилиши лозим. Суфурта шартномаси амалга ошмаган деб топилганлиги муносабати билан суфурта мукофотини олиш учун Суфурта қилдирувчи суфурта полисида кўрсатилган муддат тугагунга қадар Суфурталовчига мурожаат қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофик, Оферта шартларини қабул қилиниши ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилинганлиги деб ҳисобланади ва у билан қуйидагиларга розилик ифодаланади:

– ушбу Оферта шартлари, жумладан унда баён қилинган суфурта шартларига розилик;

суфурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотлар билан автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган тарзда ишлов бериш йўли орқали 5 (беш) йил муддатга ишлашга, жумладан уларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, улардан фойдаланиш, эгасиз қилиб қўйиш, блоклаш, йўқ қилиш (йўқ қилиш ҳақида хабардор қилмаган ҳолда), шунингдек, суфурта шартномасини бажариш, ички хужжат айланмасини таъминлаш мақсадида уларни учинчи шахсларга розилик.

Суфурта қилдирувчи Суфурталовчининг интернет ресурси воситасида Суфурта шартномасини тузиш натижасида ўз ҳукуки ва муомалага лаёқатлигини тасдиқлайди, шунингдек, ўз зиммасига юклатилган мажбуриятлар юзасидан жавобгарликни англайди.

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

3-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

Суғурталовчининг интернет ресурсида онлайн режимда Суғурта шартномасини түзиш учун Суғурта қилдирувчидан унинг электрон почта манзили ва мобил телефон рақами мавжудлиги талаб қилинади.

Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг интернет ресурсида Суғурта шартномасини түзиш учун зарур ва муҳим бўлган барча маълумотларни киритиш Суғурта учун ариза бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуникинг 26-моддаси талабларига мувофиқ, Суғурта қилдирувчининг ва Суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари сақланишини ва ошкор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

«Оферта», «Суғурта шартномаси» ва «Суғурта полиси» ҳаволалари бундан бўён матнда ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил аҳамиятга эга бўлади.

1-БЎЛИМ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

1.1. Асосий тушунчалар:

1.1.1. **Суғурталовчи** – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилга- Лицензия асосида суғурта фаолиятини амалга оширадиган «GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» акциядорлик жамияти.

1.1.2. **Суғурта қилдирувчи** – Суғурталовчи билан Оферта шартларида Суғурта шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахс.

1.1.3. **Суғурта полиси** – Суғурта қилдирувчи ва Суғурталовчи ўртасида Оферта шартларида транспорт воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш шартномаси тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полиси суғурта қилдирувчининг электрон манзилига у суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда тўлаганидан кейин юборилади. Суғурталовчининг мажбуриятлари Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ёки уларнинг ваколатли шахслари томонидан ТВни ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзолангандан кейинги кун кучга киради.

1.1.4. **Суғурта ҳодисаси** – Суғурта шартномасида назарда тутилган, Суғурта даврида ва Суғурта полисида кўрсатилган Суғурта ҳудудида содир бўлган, Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти юзага келадиган битта ёки амалда бир вақтда намоён бўлган бир нечта ҳодиса.

1.1.5. **Суғурта даври** – Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари амал қиласидан вақт даври. Суғурта даври тарафлар томонидан ТВни ташқи кўздан кечириш далолатномаси имзолангандан кейинги кундан эътиборан бошланади ва Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қиласи.

1.1.6. **Суғурта шартномаси амал қиласидан давр** – Суғурта қилдирувчи томонидан Оферта шартлари қабул қилинган пайтдан бошланадиган ва Суғурта қилдирувчининг аризасида Суғурталовчининг сайтида кўрсатилган сана билан тугайдиган Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати.

1.1.7. **Суғурта товони (суғурта тўлови)** – Суғурта шартномасида қайд этилган Суғурта ҳодисаси натижасида юзага келган зарарни қоплаш учун Суғурталовчи томонидан тўланадиган суғурта суммаси доирасидаги пул маблағлари суммаси.

1.1.8. **Транспорт воситалари** – Суғурта қилдирувчининг номига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан бутланган енгил автомобиллар. Такси хизматласини кўрсатиш мақсадида фойдаланиладиган, прокатга, ижарага бериладиган, тест-драйв, мусобақалар учун фойдаланиладиган ТВ, шунингдек, ишлаб чиқарилган йилидан бошлаб 20 (йигирма) йилдан ортиқ вақт давомида фойдаланиладиган ҳар қандай тоифадаги ТВ суғуртага қабул қилинмайди ва Компания уларнинг суғурта қилинганлиги учун жавобгар бўлмайди.



«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1,3,10

4-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

1.1.9. **Суфурталанган ТВ** – Суфурта полисида күрсатилган, Суфурта қилдирувчи номига рўйхатдан ўтказилган, ўзига нисбатан суфурта ҳимояси берилаётган ТВ.

1.1.10. **Суфурта суммаси** – суфурта ҳодисаси (суфурта таваккалчиликлари) бўйича Суфурта шартномасида белгиланадиган ва Суфурта полисида күрсатилган пул маблағлари суммаси, унинг доирасида Суфурталовчи суфурта товонини Суфурта қилдирувчига ёки уни олишга ҳақли бўлган бошқа шахсга тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

1.1.11. **Суфурта қиймати** – ТВнинг Суфурта шартномаси тузиләётган пайтда томонларнинг келишуви билан белгиланадиган ва Суфурта шартномаси тузилаётган кунда ТВ жойлашган жойдаги ҳақиқий (бозор) қийматига teng бўлган, суфурта манфаати бўғланган қиймати. Суфуртага қабул қилинаётган ТВнинг суфурта қиймати Компаниянинг www.gross.uz сайтида күрсатилган худди шунга ўхшаш ТВнинг маълумотлари ва нархидан келиб чиқсан ҳолда ва агар улар Компания сайтида күрсатилмаган бўлса, Интернетдаги www.olx.uz ёки avtoelon.uz сайтларида күрсатилган маълумотлар ва нархдан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

1.1.12. **Якуний франшиза** – Суфурта полисида белгиланган франшизанинг қатъий суммаси, ундан Суфурта қилдирувчи томонидан эълон қилинган зарарлар Якуний франшизанинг микдори нолга teng бўлгунга қадар чегириб ташланади. Якуний франшиза лимити тугагандан сўнг, Суфурта қилдирувчи томонидан эълон қилинган барча кейинги заэрлар Суфурта шартномаси шартларига мувофиқ тўланади.

1.1.13. **ТВни нобуд бўлиши (йўқотилиши)** – суфурталанган ТВнинг уни тиклаш харажатлари унинг ҳақиқий қийматига teng ёки ундан ортиқ бўладиган ҳолатдаги шикастланишини, шунингдек, Суфурталанган ТВнинг уни оғизочиб кетиш натижасида йўқотилишини билдиради.

1.1.14. **ТВни шикастланиши** – Суфурталанган ТВнинг ва/ёки унинг алоҳида қисмлари ва деталларининг ЙТХ, предметларнинг қулаши ва/ёки урилиши, ён=ин, портлаш, сув тошқини, бўрон, довул, сел, жала, дўл, қалин қор ёғиши, яшин уриши, ер кўчиши, қор кўчкиси, ўпирилиш, ер чўкиши, ер ости сувларининг таъсири ва зилзила натижасида тасодифан жисмоний шикастланиши. Суфурталанган ТВга санаб ўтилмаган таваккалчиликлар натижасида етказилган шикастланишлар Суфурта шартномаси шартларига кўра қопланмайди.

1.1.15. **Ҳайдовчи** – транспорт воситасини бошқариш учун тегишли тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган ва Суфурталанган ТВни бошқариш учун қонуний асосга эга бўлган жисмоний шахс.

1.1.16. **Суфурта қилинган шахслар** – Суфурталанган ТВда суфурta ҳодисаси юз бериши пайтида бўлган ёки унга кираётган (ундан чиқаётган) ҳайдовчи ва йўловчилар.

1.1.17. **Жабрланганлар** – Суфурталанган ТВдан фойдаланиш чоғида юз берган суфурta ҳодисаси натижасида ҳаётига, соғлиғига зиён ва/ёки мол-мулкига зарар етказилган учинчи шахслар. Бунда Суфурта қилдирувчи, ҳайдовчи ва Суфурта қилинган шахслардан ташқари ҳар қандай шахслар учинчи шахслар деб тан олинади.

1.1.18. **Бахтсиз ҳодиса** – суфурталанган ТВнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши натижасида Суфурта қилинган шахсларнинг тан жароҳати олишини ёки организмнинг ички ва ташқи функцияларининг бошқа бузилишларини ёки Суфурта қилинган шахсларнинг ўлимини келтириб чиқарган тўсатдан юз берган қисқа муддатли ташқи ҳодиса.

1.1.19. **ЙТХ** – ТВнинг йўлда ҳаракатланиш жараёнида юзага келган, фуқароларнинг ўлимига ёки соғлиғига зиён етказилишига олиб келган, ТВ, иншоотлар, юклар заараланган ёхуд бошқа моддий зарар етказилган йўл-транспорт ҳодисаси.

1.1.20. **ТВЭФЖМСК полиси** – «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурта

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

5-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

қилиш қоидаларига мувофиқ транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суфурта қилинганини тасдиқловчи белгиланган намунадаги ҳужжат.

1.1.21. Суфурта ҳодисаси түғрисида далолатнома - Суфурталовчи томонидан тузиладиган, Суфурта ҳодисаси юз берганлиги фактини тасдиқловчи ва Суфурта товони суммасини белгиловчи ҳужжат. Суфурта ҳодисаси түғрисидаги далолатнома Суфурталовчининг, Суфурта қилдирувчининг ваколатли вакиллари, шунингдек, Суфурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс томонидан имзоланади.

1.1.22. Та什қи кўздан кечириш далолатномаси - Суфурта қилдирувчи томонидан ва Суфурталовчининг вакиллари томонидан тузиладиган ҳамда имзоленадиган ҳужжат бўлиб, унда суфурта қилиш бошланишига қадар ТВда мавжуд бўлган нуқсонлэр (агар улар мавжуд бўлса) кўрсатилади ва улар бўйича Суфурталовчи зиммасида мажбуриятлар бўлмайди. Та什қи кўздан кечириш далолатномаси Суфурталовчининг ҳар қандай оғисиде фақат Суфурта қилдирувчи томонидан Суфурталовчининг вакилларига суфурта полисининг нусхаси ва суфуртага қабул қилинаётган ТВнинг техник паспорти тақдим этилганида тузилиши мумкин. ТВни ташқи кўздан кечириш далолатномасини тузиш учун Суфурта қилдирувчи Суфурталовчининг Мижозларни қўллаб-куватлаш марказига 1166 қисқа рақами орқали қўнгироқ килган ҳолда кўздан кечириш вақти ва жойи ҳақида олдиндан келишиб олиши, ўз фамилияси ва исмини, полис рақамини ва ўзига қулай бўлган кўздан кечириш жойини айтиши зарур.

1.1.23. Суфурта ҳудуди - Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди.

1.1.24. Наф оловчи - ушбу Шартнома шартларига мувофиқ суфурта товонини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс, мазкур шахс сифатида қуидагилар тан олинади:

мол-мулкни суфурта қилишда - суфурталанган ТВнинг мулқдори ёки Суфурта полисида кўрсатилган, қонун, бошқа ҳуқуқий ҳужжат ёки шартномага асосланган ҳолда мол-мулкни сақлашдан манфаатдор бўлган бошқа шахс;

Суфурта қилдирувчининг/ТВ ҳайдовчисининг фуқаролик жавобгарлигини суфурта қилишда - суфурталанган ТВдан фойдаланиш оқибатида ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига зарар етказилган учинчи шахслар (жабрланганлар);

ҳайдовчи ва йўловчиларни баҳтсиз ҳодисалардан суфурta қилишда - суфурталанган ТВда суфурta ҳодисаси юз бериши пайтида бўлган, шунингдек, унга кираётган ёки ундан чиқаётган ҳайдовчи ва йўловчилар, улар вафот этган тақдирда эса - меросхўрлар.

1.1.25. Персонал суфурта суммаси - пул маблағлари суммаси бўлиб, Суфурталовчи унинг доирасида битта шахсга суфурta товонини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади ва мазкур сумма Суфурta полисида кўрсатилган суфурta суммасини Суфурталанган ТВдаги ўтириш жойи сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

1.2. Суфурта шартномасини тузиш тартиби ва унинг кучга кириши:

1.2.1. Ушбу суфурta шартномаси Суфурталовчи томонидан Суфурta қилдирувчиغا суфурta хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгиловчи электрон ҳужжат ҳисобланади;

1.2.2. Суфурta шартномаси (суфурta полиси) Суфурta қилдирувчи томонидан Суфурталовчиغا ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида шакллантирилади;

1.2.3. Суфурta қилдирувчи электрон аризанинг тўлдирилиши шарт бўлган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган асл ҳужжатлар маълумотларига қатъий мувофиқ ҳолда тўлдиради;

1.2.4. Суфурta қилдирувчи аризада баён қилинган ҳужжатларнинг асл нусхалари билан айнан эканлиги ва ишончлилиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек, ариза берилган ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига мос келмаганда, суфурta ҳодисаси юз берганда Суфурталовчи суфурta товони тўлашни рад этиш ҳуқуқига эга эканлигига розилик беради;

1.2.5. Аризада кўрсатилган ва киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик тарзда Суфурta шартномасига (Суфурta полисига) киритилади.

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

6-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

1.2.6. Суғурта шартномаси тузилгунга қадар Суғурта қилдирувчи суғуртага таклиф этилаётган транспорт воситасининг қийматини кўрсатган ҳолда суғурта учун тўловни мустақил равища белгилаши ва суғурта суммасини ҳисоблаши мумкин. Бунда суғурта суммаси уларнинг ҳақиқий қийматидан ошмаслиги керак, ушбу қиймат қуйидагиларга асосан аниқланиши мумкин:

- Суғурта шартномаси тузилган санада ишлаб чиқарувчи көрхона томонидан транспорт воситасининг худди шундай русуми ва моделига белгиланган, транспорт воситасининг эскириш миқдорига (фоизларда) камайтирилган сотиш нархи;
- савдо ташкилоти томонидан берилган маълумотнома-ҳисобвараклар ёки транспорт воситасининг олди-сотди шартномаси;
- транспорт воситасининг мустақил баҳоловчи томонидан амалга оширилган ҳақиқий қийматини баҳолаш.

1.2.7. Суғурталовчининг ахборот тизими ёрдамида Суғурта қилдирувчи транспорт воситасининг турига (русуми ва ишлаб чиқарилган йили) ва суғурта қопламасининг танланган вариантларига боғлиқ равища суғурта суммасини мустақил равища аниқлайди. Суғурталовчининг ахборот тизими эса Суғурта қилдирувчи томонидан кўрсатилган маълумотлар ва суғурта қопламасининг танланган вариантларидан келиб чиққан ҳолда суғурта мукофоти суммасини шакллантиради ҳамда Суғурта қилдирувчи шакллантирилган суғурта мукофоти суммасига рози бўлган тақдирда, уни тўлагунга қадар Суғурта қилдирувчи ушбу Оферта матни билан танишиш мажбуриятини зиммасига олади.

1.2.8. Суғурта суммаси суғурта қийматидан паст деб белгиланган тақдирда, суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчига (Наф олувчига етказилган зарарни суғурта суммасининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равища тўлайди.

1.2.9. Суғурта қилдирувчи Оферта ва Қоидаларда таклиф этилган суғурта шартларига рози бўлган тақдирда Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда Суғурта шартномасини тузиш учун аризани (бундан бўён матнда Ариза деб юритилади) онлайн режимда тўлдиришга ўтади.

1.2.10. Аризани тўлдиришда Суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини ва унинг юз беришидан кўрилиши мумкин бўлган зарарлар миқдорини (суғурта таваккалчилигини) аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган барча зарур маълумотлар кўрсатилиши талаб этилади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равища кўрсатилиши керак.

1.2.11. Ариза тўлдирилгандан сўнг Суғурталовчининг ахборот тизими «Суғурта мукофотини тўлаш ва Суғурта полисини расмийлаштириш» тугмасига кириш имкониятини автоматик тарзда очади.

1.2.12. Суғурта шартномаси тарафлари Суғурта қилдирувчининг Суғурта полисини олиши Суғурта шартномасининг (Суғурта полисининг) лозим даражада имзоланиши эканлигини тасдиқлайди.

1.2.13. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан тўланганлиги факти Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан тасдиқланган сана ушбу Офертани акцептлаш ва Суғурта шартномасини тузиш санасидир.

1.3. Суғурта шартномаси (полислар) ҳақини тўлаш тартиби:

1.3.1. Суғурта шартномаси (полиси) ҳақи Суғурталовчи томонидан қўлланадиган ахборот (онлайн) тизимларидан фойдаланган ҳолда тўланади;

1.3.2. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинги қўйта йўналтириш учун ариза қабул қилинганлигини тасдиқлаш Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи аризани тўлдираётганида кўрсатиб ўтган мобил телефон рақамига СМС-хабарни жўнатиш йўли билан амалга оширилади;

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

7-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

1.3.3. СМС-хабар тасдиқлаш коди билан бирга олинганидан кейин Суфурта қилдирувчи электрон түлов тизимини танлаши зарур, ундан кейин у суфурта мукофотининг ҳисобланган суммасини Суфурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун танланган түлов тизимининг сайтига автоматик тарзда қайта йўлланади;

1.3.4. Суфурта полиси қиймати тўланганлиги ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин Суфурталовчининг ахборот тизими Суфурта полисини расмийлаштириши электрон шаклда автоматик тарзда амалга оширади, уни Суфурта қилдирувчининг электрон почта манзилига йўллади ва ундан кейин Суфурта полисининг серияси ва рақами, Суфурта полиси электрон тарзда жўнатилганилиги факти ҳақидаги маълумотларни ичига олган СМС-хабар жўнатилиши йўли билан Суфурта қилдирувчини хабардор қиласди;

1.3.5. Суфурталовчи Тўлов провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги учун, шунингдек, Суфурта қилдирувчининг электрон тўловлар тизими ва интернет орқали тўлаш билан боғлиқ ҳар қандай заарлари ва таваккалчиликлари учун жавобгар бўлмайди;

1.3.6. Суфурта мукофотини банк картаси билан тўлаш бевосита Суфурта қилдирувчи (Наф оловчи) – карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Агар Суфурта қилдирувчи банк картасини тўлов тўлаш учун бошқа шахсга берган бўлса, Суфурта қилдирувчи бу билан боғлиқ барча таваккалчиликларни ўз зиммасига олади ва мазкур ҳолатда суфурта мукофотини тўланиши Суфурта қилдирувчи томонидан амалга оширилган деб ҳисобланишига рози бўлади;

1.3.7. Оферта йўлланган шахс Суфурталовчининг ахборот тизимида «Суфурта мукофотини тўлаш ва Суфурта полисини расмийлаштириш» тугмасини босиш билан, шунингдек, шакллантирилган суфурта мукофотини тўлаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 370-моддасига мувофиқ мазкур Оферта шартларига рози эканлигини билдиради.

1.4. Суфурта шартномасини (суфурта полисини) Суфурта қилдирувчининг ташаббусига кўра муддатидан илгари тугатиш. Суфурта мукофотини қайтариш:

1.4.1. Агар Суфурта шартномаси кучга кирганидан кейин суфурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли йўқолса ва суфурта таваккалчилигининг мавжудлиги суфурta ҳодисасидан бошқа ҳолатларга кўра тугаган бўлса, Суфурта шартномаси ўзи тузилган муддат келишига қадар тугатилади. Бундай ҳолатларга хусусан куйидагилар тааллуқли:

суфурталangan mol-mulkni sufurna ҳodisasi yoz berishiidan boishka sabablariga kura nobud bўliши;

тадбиркорлик таваккалчилигини ёки ушбу фаолият билан боғлиқ фуқаролик жавобгарлиги таваккалчилигини суфурta қildirgan shahs tadbirkorlik faoliyatini belgilangan tarbiда tugatishi.

1.4.2. Суфурта шартномаси ушбу Офертанинг 1.4.1-бандида қўрсатилган ҳолатлар бўйича муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Суфурталовчи суфурta мукооотининг суфурta амал қилган вақтга мутаносиб бўлган қисмини олиш хукуқига эга.

1.4.3. Агар ради этиш пайтида ушбу Офертанинг 1.4.1-бандида қўрсатилган ҳолатлар бўйича суфурta ҳодисасини юз бериши эҳтимоли йўқолмаган бўлса, Суфурta қилдируvchi (Наф оловчи) суфурta шартномасини бажаришни исталган вақтда ради этишга ҳақли. Ушбу ҳолатда (Суфурta қилдируvchi ёки Наф оловчи шартномани муддатидан илгари рэд этганида) Суфурталовчига тўланган суфурta мукофoti қайtariilmайдi.

1.4.4. Бунда, агар ушбу Шартномa бўйичa илгari суfurna tovo ni tўlanangan ёki tўlaniши lозим bўlسا, u ҳolda tўlanangan sufurna mukofoti қaytariilmайдi.

1.4.5. Суфурta шартномасi (Sufrta polisi) Sufrta қilidirovchinining tashabbusiga kura Sufrtalovchinining manziliiga bekor қiliish ҳaқidagi ёzma arizani йўllash orқali muddatidan ilgari tugatiladi.

1.4.6. Суфурta шартномасi (Sufrta polisi) Sufrtalovchinining tashabbusiga kura faqat konunchiliqda va sufurna shartnomasida nazarda tutillgan ҳamda йўl kўyiladigan ҳollarda (bir tomonlama tarbiida) muddatidan ilgari tugatiladi.



«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1,3,10

8-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.

СУФУРТАЛОВЧИННИГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

Түлиқ номи:

«GROSS SUG'URTA KOMPANIYASI» акциядорлик жамияти

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур қўчаси, 1-тор қўча, 6-уй

Электрон манзил (расмий интернет ресурси / электрон почта):

www.gross.uz / info@gross.uz

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар:

Жамият Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан

2011 йилнинг 17 ноябрида 103-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

Лицензия тўғрисида маълумотлар:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан

2022 йилнинг 11 февраляда СФ 00028-сонли Лицензия берилган.

2-БЎЛИМ. СУФУРТА ҲОДИСАСИ

Ушбу Шартномада кўрсатилган муддатлар, шартлар ва истисноларга мувофиқ Суфурталовчи қўйидаги кичик бўлимларда шартлашилган суфурta ҳодисаси юз беғандан ва Суфурталовчининг суфурta суммаси доирасида нақд бўлмаган ҳисоб-китоб йўли билан суфурta товони тўлаш мажбурияти юзага келганда Суфурta қилдирувчининг/Наф олувчининг/Ҳайдовчининг/ Суфурталанган шахснинг мулкий манфаатларига суфурta ҳимоясини тақим этади.

2.1. ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ НОБУД БЎЛИШИ ЁКИ ШИКАСТЛАНИШИ

Ушбу кичик бўлим бўйича суфурta ҳодисаси содир бўлганда Суфурталовчи Суфурta полисида кўрсатилган суфурталанган транспорт воситасига бевосита қўйидаги қалтисликлардан суфурta ҳимоясини тақдим этади: сув тошқини, бўрон, довул, жала, дўл, кўп қор ёфиши, ер силжиши, кўчки, сел, яшин уриши, зилзила, ёнғин, портлаш, предметларнинг урилиши/кулаши, йўл-транспорт ҳодисаси, учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари.

2.1.1. Максус тушунчалар

а) Суфурta ҳодисаси - суфурталанган ТВни ушбу Шартноманинг 2.1-кичик бўлимида кўрсатилган қалтисликлардан бири натижасида суфурta даврида суфурta худудида содир бўлган нобуд бўлиши ёки шикастланиши.

б) Учинчи шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари - суфурталанган ТВнинг учинчи шахслар томонидан ёндирилиши, синдирилиши, шикастланиши, ТВ ёки унинг алоҳида қисмлари ўғирланиши, шунингдек, бошқа ҳуқуқбузарлик/қонунга зид/ноқонуний ҳаракатлар оқибатида нобуд бўлиши ёки шикастланиши.

в) Транспорт воситасининг нобуд бўлиши - ТВнинг уни тиклаш харажатлари унинг ҳақиқий қийматига teng ёки ундан ортиқ бўладиган даражада заарланиши. Транспорт воситасининг ўғирланиши унинг нобуд бўлишига тенгглаштирилади.

г) Транспорт воситасининг ўғирланиши - транспорт воситаси ёки унинг агрегатлари, деталлари, тизимлари, узеллари, қурилмалари ва/ёки конструкциясининг элементларига ноқонуний эгалик қилиш мақсадида учинчи шахслар томонидан талон-торож қилиниши, олиб қочилиши, ўғирланиши, босқинчилик қилиниши.

д) Товар кўринишининг йўқотилиши - ушбу кичик бўлумда келишилган суфурta ҳодисаси натижасида кўрилган шикастларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилган суфурталанган ТВни таъмирлаш ва тиклаш ишлари ҳамда об-ҳаво ва/ёки доимий таъсир этувчи омиллар оқибатида ҳақиқий қийматининг камайиши ва/ёки бошқа зарарни англатади.

е) Учинчи шахслар - Суфурta қилдирувчи, Наф олувчи ва Ҳайдовчидан бошқа ҳар қандай



«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУҒУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1,3,10

9-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.

шахс.

2.1.2. Махсус қүшимчча шарт

Ушбу билан томонлар агрегатлар, деталлар, тизимлар, узеллар, суғурталанган ТВ жамланмасига кирадиган қурилмалар (олиб қочишга қарши ҳар қандай воситалар, автомагнитола, товуш кучайтиргичлар, карнай/динамиклар, спорт дисклари, ҳар қандай турдаги антенналар ва ш.к.), агар улар ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилмаган бўлса ёки қўшимча жиҳозлар сифатида суғурталанмаган бўлса, шикастланиши, йўқ қилиниши, ўғирланиши билан етказилган зарар ушбу Шартнома бўйича қопланмаслигини тасдиқлайди ва бунга рози бўлади.

2.1.3. Махсус истиснолар

Куйидагилар суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

а) ТВнинг, шу жумладан унинг алоҳида деталлари ва узелларининг улардан фойдаланиш ва/ёки фойдаланмаслик оқибатида табий эскириши. Аммо, ТВнинг табий эскириши сабабли нобуд бўлиши ёки шикастланиши ушбу Шартнома бўйича қопланади;

б) суғурталанган ТВ товар кўринишининг йўқотилиши ва/ёки ишлаб чиқарувчи корхонанинг нуқсони;

в) қатнов йўлининг нотекислиги ёки ёмон ҳолати, ўткир жисмлар ва шу қабиларни босиш натижасида ғилдираклар ва/ёки шиналарнинг шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши суғурталанган ТВ шикастланишига ёки нобуд бўлишига олиб келмаса;

г) Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчининг суғурталанган ТВни такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлари;

д) Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчининг суғурталанган ТВдан фойдаланиш қоидаларини бузиши билан боғлиқ харажатлар.

2.2. УЧИНЧИ ШАХСЛАР ОЛДИДА ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ

Суғурталовчи ушбу кичик бўлим бўйича суғурта даври мобайнида суғурта ҳудуди доирасида суғурталанган ТВдан фойдаланиш чоғида учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига зарар етказилганлиги учун Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчининг жавобгарлиги юзага келганида суғурта ҳимоясини тақдим этади, бунда суғурта ҳәдисаси юз бериши билан Суғурталовчининг Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи/жабрланувчига суғурта товони тўлаш мажбурияти юзага келади.

2.2.1. Махсус тушунчалар

а) Суғурта ҳодисаси – суғурталанган ТВдан фойдаланиш чоғида суғурта даври мобайнида суғурта ҳудуди доирасида учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига зарар етказилганлиги учун Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчининг фуқаролик жавобгарлигини юзага келиши.

б) Суғурта товони - ушбу Шартноманинг 2.2-кичик бўлимида шартлашилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи/ жабрланувчиларга ушбу ушбу Шартномага илова қилинган Суғурта полисида кўрсатилган суғурта суммаси доирасида Суғурталовчи томонидан тўланадиган пул маблағлари суммаси.

в) Учинчи шахслар (Жабрланувчи (лар)) – Суғурта қилдирувчи / Наф оловчи / Ҳайдовчи / воқеа содир бўлган пайтда суғурталанган ТВда бўлган шахслардан ва суғурталанган ТВга чиқаётган ёки ундан тушаётган шахслардан ташқари суғурталанган ТВдан фойдаланиш чоғида ҳаёти, соғлиғи ва/ёки мол-мулкига зиён етказилган ҳар қандай шахслар.

2.2.2. Махсус истиснолар

Ушбу кичик бўлим бўйича қуйидагилар қопланмайди:

а) ҳар қандай турдаги ифлосланиш ва заҳарланиш;

б) мол-мулқдан фойдаланиш мумкин эмаслиги ва шу кабилас оқибатида учинчи шахслар даромадининг йўқотилиши;

в) жабрланувчига етказилган маънавий зарар.

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1.3,10

10-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.**2.2.3. Махсус шартлар**

Суфурта қилдирувчи/Наф оловчы/Хайдовчы күйидагиларга рози бўлади ва уларни тасдиқлайди:

а) Суфурталовчи билан келишмай ТВ билан боғлиқ воқеа мунссабати билан унга қўйилган талабларни қисман ёки тўлиқ тан олмаслик, етказилган зарарни ўз ихтиёри билан қопламаслик, шунингдек, бундай талабларни ҳал этиш ва тўлаш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олмаслик;

б) Суфурталовчининг талабига кўра талаб ва даъволарни кўриб чиқиш, жабрланувчи билан келишувни имзолаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида, судда ва бошқа инстанцияларда қарши даъвони тузиш жараёнида Суфурта қилдирувчи/Наф оловчы/Хайдовчы манафатларини ифодалаш ҳуқуқини берувчи ёзма ишончнома бериш;

в) Суфурталовчи, агар лозим топса, судгача бўлган тартибда ушбу Шартнома доирасида тан жароҳатлари ва/ёки моддий зарар етказганлик ва суфурта товони тўлэш масаласи юзасидан талаб ёки даъвони ҳал этиш бўйича бевосита жабрланувчи билан ўзаро муносабатда бўлади.

2.3. СУФУРТА ҚИЛИНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ЮЗ БЕРГАН БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАР

Суфурталовчи ушбу кичик бўлимга мувофиқ Суфурта қилинган шахслар суфурта даври мобайнида суфурта ҳудуди доирасида содир бўлган суфурталанган ТВда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олганда суфурта ҳимоясини тақдим этади, бунда суфурta ҳодисаси юз бериши билан Суфурталовчининг суфурta таъминотини тўлаш мажбурияти юзага келади.

2.3.1. Махсус қўшимча шарт

Ушбу билан мазкур Шартнома тарафлари суфурta товонини олиш учун ҳодиса суфурталанган ТВга бевосита алоқадор бўлиши зарурлигини эътироф этади ва тасдиқлайди.

2.3.2. Махсус тушунчалар

а) **Суфурta ҳодисаси** – Суфурta қилинган шахснинг суфурta давси мобайнида суфурta ҳудуди доирасида суфурталанган ТВда йўл-транспорт ҳодисаси натижасида тан жароҳати олиши, бунда Суфурталовчининг суфурta товони тўлаш мажбурияти юзага келади.

б) **Суфурta таъминоти** – мазкур кичик бўлимда келишилган суфурta ҳодисаси юз берганида Суфурталовчи томонидан Суфурta қилдирувчига/Суфурta қилинган шахсга Суфурta полисида кўрсатилган суфурta суммаси доирасида тўланадиган қатъий белгиланган пул маблағлари миқдори.

в) **Суфурta қилинган шахслар** – суфурta воқеаси юз берган пайтда суфурталанган ТВда бўлган ҳайдовчи ва йўловчиларни англатади.

г) **Йўловчилар** – суфурta воқеаси юз берган пайтда суфурталанган ТВда бўлган ҳамда ундан тушаётган ёки унга чиқаётган шахслар (ҳайдовчидан ташқари).

2.3.3. Махсус истиснолар

Суфурta қилинган шахс ўз жонига қасд қилиши ёки бунга уриниши натижасида содир бўлган воқеалар ушбу Шартномa кўра суфурta ҳодисаси деб тан олинмайди.

З-БЎЛИМ. МАХСУС ШАРТЛАР**3.1. Суфурta қилдирувчи қуйидагиларни тасдиқлайди ва бунга розилик беради:**

а) агар Суфурta қилдирувчи Суфурталанган ТВдан фойдаланиш натижасида учинчи шахсга (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) етказилган зарарнинг ўрнини Суфурталовчининг ёзма розилигисиз ҳар қандай усуlda қоплаган ёки қоплаш бўйича ваъда берган бўлса, у ҳолда Суфурta қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги Суфурta полиси бўйича суфурталанган бошқа шахснинг) бу ҳаракатлари Суфурталовчи учун суфурta товонини тўлаш бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни келтириб чиқармайди;

б) зарарни тугатишда (бартараф этиш, қоплаш ва/ёки компенсация тўлашда) ёки даъволар ва даъво аризаларини кўриб чиқиша, етказилган моддий зарарни кўздан кечириш далолатномаларини тузишда, жабрланганлар билан келишувларни имзолашда, ҳуқуқни муҳофаза



«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1.3,10

11-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.

қилувчи органларда, судда ва бошқа инстанцияларда қарши даъволарни тузишда Суфурта қилдирувчининг манфаатларини ифодалаш ҳуқуқи учун Суфурталовчининг талабига кўра унга ёзма ишончнома бериши шарт;

в) Суфурта қилдирувчи (жисмоний шахс) вафот этган тақдирда, Суфурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ТВни мерос тартибида қабул қилган шахсга ўтади. ТВга бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган бошқа ҳолларда Суфурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги мулкдорга ўтмайди ва тегишинча суфурта тўхтатилади. Бунда тўланган суфурта мукофоти қайтарилимайди.

3.2. Суфурталовчи Суфурта даври бошлангунга қадар ТВда мавжуд бўлган шикастланиш учун жавобгар бўлмайди.

3.3. Суфурталовчи ушбу Қоидалар бўйича қуйидагиларни қопламайди:

а) Суфурталанган ТВ товар қийматининг йўқолиши ва ишлаб чиқарувчи корхонанинг нуқсони. Товар қийматининг йўқолиши ушбу Қоидаларда қайд этилган суфурта ҳодисаси натижасида, шунингдек, об-ҳаво ва/ёки доимий таъсири этувчи омиллар натижасида олинган шикастларни бартараф этиш мақсадида таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш натижасида суфурталанган ТВнинг ҳақиқий қиймати камайишини ва/ёки бошқа заарни англатади;

б) қатнов қисмининг нотекислиги ёки ёмон ҳолати, ўткир предметларни босиб кетиши натижасида шиналар ва/ёки ғилдирак дискларининг шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши Суфурталанган ТВнинг шикастланиши ёки нобуд бўлмешига олиб келмаган бўлса;

в) суфурта ҳодисасидан келиб чиқиши мумкин бўлган Суфурта қилдирувчининг билвосита ва бошқа харажатлари (жарима, тиклаш таъмири вақтида меҳмонхонада яшаш, хизмат сафари харажатлари, даромадни йўқотиш, бекор туриб қолиш, кафолат муддати тугаши билан боғлиқ моддий заарлар, маънавий заарар ва бошқалар), шунингдек, ҳар қэндай бевосита ва билвосита солиқлар ҳамда зарур бўлганидан ортиқ бошқа харажатлар.

г) Суфурта қилдирувчининг Суфурталанган ТВни ўзgartiriш ва/ёки такомиллаштириш билан боғлиқ харажатлари.

3.4. Агар Суфурталовчининг ёзма розилиги билан Суфурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги Суфурта полиси бўйича суфурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган заарнинг ўрнини ўз ҳисобидан қопласа, Суфурталовчи суфурта төвонини Суфурта қилдирувчига (фуқаролик жавобгарлиги Суфурта полиси бўйича суфурталанган бошқа шахсга) у етказилган заарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этганидан кейин тўлайди. Суфурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги суфурталанган бошқа шахс) томонидан жабрланувчига етказилган заарар ўз ҳисобидан қисман қопланган тақдирда, Суфурталовчи суфурта тўловининг тегишли қисмини Суфурта қилдирувчига (фуқаролик жавобгарлиги суфурталанган бошқа шахсга), қолган қисмини эса Жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) тилхати ёки юридик шахснинг суфурта төвенини олганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиғи Суфурта қилдирувчи томонидан заарни қоплаш тәртибида амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Бунда:

юридик шахснинг ёзма таёдиги ушбу юридик шахснинг мұхрия билан тасдиқланган бўлиши керак;

жисмоний шахснинг тилхати нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак, тилхат жисмоний шахс томонидан Суфурталовчининг ходими иштироқида паспорт ёки жисмоний шахснинг шахсини тасдиқловчи фотосурат туширилган бошқа ҳужжат кўрсатилган ҳолда ёзилган ҳоллар бундан мустасно.



«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1,3,10

12-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.

3.5. Ушбу Шартнома бўйича қўйидагилар оқибатида ва/ёки қўйидаги ҳолатларда содир бўлган ҳодисалар суфурта ҳодисалари деб эътироф этилмайди:

а) Суфурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи /Суфурталанган шахснинг суфурта ҳодисаси юз беришига қаратилган қасдан қилинган ҳаракатлари, улар томонидан ўз фуқаролик бурчини бажариш ёки Суфурталанувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи ёки учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар бундан мустасно;

б) Суфурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи томонидан Суфурталовчига била туриб ёлғон маълумотлар берилгандиги;

в) суфурталанган ТВни алкоголли ва/ёки токсик ва/ёки гиёҳвандлик ёки ҳар қандай турдаги мастилик ҳолатида бошқариш;

г) ТВдан фойдаланиш шартларини белгиловчи ҳужжатнинг (йўсиқнома, қоидалар, қўлланма, низом ва шу кабиларнинг) шартларини, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғин ва портлаш хавфи моддалар ва предметларни ташиб қоидаларини бузиш;

д) Суфурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи томонидан суфурталанган ТВдан ҳайдашни ўргатиш ва/ёки мусобақа ва синовларда иштирок этиш мақсадида фойдаланиш;

е) Суфурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи ёки суфурталанган ТВни эксплуатация қилиш ёки бошқариш ишониб топширилган ҳар қандай шахс томонидан фирибгарлик ҳаракатлари ёки ҳар қандай виждонсизлик;

ж) тезлик режимини, суфурталанган ТВдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, суфурталанган носоз ҳолатдаги ТВдан фойдаланиш;

з) темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидаларини бузиш светофорнинг тақиқловчи сигналида ўтиш ёки белгиланган йўналишга қарши ҳаракатланиш;

и) Суфурта қилдирувчи/Ннаф оловчи/Ҳайдовчи бундан хабардор ёки хабардор эмаслигидан қатъи назар, ушбу Шартноманинг амал қилиши бошланган пайтда суфурталанган ТВда мавжуд бўлган носозлик ва/ёки нуқсонлар;

к) суфурталанган транспорт воситасини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи ва рухсатномасига (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома ва шу кабиларга) эга бўлмаган шахс томонидан бошқариш. Мазкур банднинг шарти суфурталанган транспорт воситаси ўғирланган тақдирда қўлланмайди.

3.6. Ушбу Шартнома суфурталанган ТВга қўйида санаб ўтилган воқеалардан ҳар қандай биттаси оқибатида етказилган тўлиқ ёки қисман зарарни қопламайди:

а) ҳарбий босқинчиллик ҳаракати, ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий ҳаракатларга ўхшаш ҳаракатлар (уруш эълон қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъи назар), фуқаролар уруши;

б) исён, оммавий фуқаролар ғалаёнлари, миллий характердаги иш ташлашлар;

в) шахс ёки шахслар гурухи томонидан содир этилган террорчиллик ҳаракатлари;

г) суфурталанган ТВни амалдаги қонунчилликка мувофиқ Ўзбекистон Республикаси суд органларининг қарорига кўра мажбурий бегоналаштириш оқибатида доимий ёки вақтинча мулқдан маҳрум қилиш.

3.8. Суфурталовчи зиммасида ушбу Шартномада кўрсатилмаган ва/ёки баён қилинмаган ҳар қандай мажбуриятларга нисбатан жавобгар бўлмайди.

4-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Суфурталовчи суфурта қилдирувчи томонидан ахборот тизимида ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган шаклда тақдим этилган маълумотлар учун жавобгар бўлмайди.

4.2. Суфурталовчи ўз ваколати доирасидан ташқаридағи ҳодисалар ва ҳолатлар натижасида юзага келган салбий оқибатлар ва зарарлар, шунингдек учинчи шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) учун, хусусан қўйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

• Суфурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ишончсизлиги, етарли эмаслиги ва ўз вақтида тақдим этилмаганлиги ёки Суфурта қилдирувчи

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

13-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.

томонидан ушбу Офера шартлари ёки хужжатларга қўйиладиган талаблар бузилганлиги оқибатида ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш имконияти бўлмаган тақдирда;

• хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғри расмийлаштирилганлиги (улардаги маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлиги) учун;

• алоқа линиялари ишининг бузилиши, Суфурта қилдирувчи ускуналарининг носозлиги сабабли Суфурта қилдирувчи томонидан расмийлаштиришнинг имксни йўқлиги учун;

• суфурта қилишга тақдим этилаётган транспорт воситасини кўздан кечириш далолатномасини ўз вақтида расмийлаштирганлиги ва суфурталовчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Суфурта полисини топширмаганлиги ва шу кабилар учун.

4.3. Томонлар ушбу Офера бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ва/ёки лозим даражада бажармаганлиги учун ушбу Офера ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда ва шартларда жавобгар бўлади.

4.4. Томонлар енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юзага келган тақдирда, ушбу Офера бўйича мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги ёки бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

4.5. Ушбу Офера бирор-бир қоидасининг суд томонидан ҳақиқли эмас деб топилиши бошқа қоидаларнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

5-БЎЛИМ. СУФУРТА СУММАСИ, СУФУРТА МУКОФОТИ

5.1. Ҳар бир суфурта тавакалчилиги бўйича суфурта суммаси қуйидаги тартибда белгиланади:

Ушбу Шартноманинг 2.1-бандида назарда тутилган суфурta тавакалчилиги бўйича суфурta суммаси мазкур Шартнома тузилаётган пайтда суфуртага қабул қилинаётган ТВнинг ҳақиқий (суфурta) қийматига тенг қилиб белгиланади ва ундан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Суфуртланган ТВнинг суфурta суммаси унинг суфурta қийматидан паст миқдорда белгиланган бўлса, Суфурталовчи суфурталанган ТВ билан суфурta ҳодисаси юз берганида Суфурta қилдирувчига/Наф оловчига уларга етказилган заарни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасига мувофиқ суфурta суммасини суфурta қийматига нисбатига мутаносиб тарзда қоплади.

Ушбу Шартноманинг 2.2-бандида назарда тутилган суфурta тазаккалчилиги бўйича суфурta суммаси тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ва Суфурta полисида кўрсатилади.

Ушбу Шартноманинг 2.3-бандида назарда тутилган суфурta тазаккалчилиги бўйича суфурta суммаси ҳам тарафларнинг келишувига кўра белгиланади ва Суфурta полисида кўрсатилади. Бунда Суфурталовчининг бир шахсга нисбатан жавобгарлиги персонал суфурta суммаси миқдори билан чекланади.

5.2. Ушбу Шартнома бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси «сўм»да амалга оширилади.

6-БЎЛИМ. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ушбу Шартнома амал қилиши даврида:

6.1. Суфурta қилдирувчи/Наф оловчига қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суфурталовчи билан келишилган ҳолда ушбу Шартномато ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

б) ушбу Шартнома бўйича Суфурталовчининг маслаҳатларини олиш;

в) Суфурta полисини олиш;

г) суфурta ҳодисаси юзага келган тақдирда, ушбу Шартномада кўрсатилган суфурta суммаси доирасида суфурta товони олиш.

6.2. Суфурta қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

14-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

а) Наф олувчи ушбу Шартнома бўйича бирор-бир мажбуриятни бажаришига ёки Суфурталовчига суфурта товони ёки суфурта суммасини тўлаш тўғрисидаги талабни қўйишига қадар Суфурталовчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда Наф олувчини алмаштириш.

6.3. Суфурта қилдирувчи/Наф олувчи қўйидаги/Ҳайдовчи қўйидагиларни бажариши шарт:

а) суфурталанган ТВни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда сақлаш, назорат органлари талаблари бажарилишини таъминлаш, тегишли транспортдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиши;

б) ушбу Шартнома тузилганида хабар қилинган ҳолатларда ўзига маълум бўлган сезиларли ўзгаришлар тўғрисида, агар ушбу ўзгаришлар суфурта ҳодисаси юз бериши таваккалчилик даражасини ошишига сезиларли таъсир қилиши мумкин бўлса, Суфурталовчига дарҳол, аммо 10 (үн) иш кунидан кечикмай хабар қилиши.

Суфурталанган ТВни субижараага бериш, уни сотиш, ҳисобдан чиқариш, ЙХХ органларида қайта рўйхатдан ўтказиш, ТВдан унинг техник мақсадларига хос бўлмаган мәқсадларда фойдаланиш каби ўзгаришлар муҳим деб тан олинади;

в) ушбу Шартнома доирасида Суфурталовчига нисбатан суфурта товони тўлаш талабини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳодиса юз берган тақдирда, бу ҳақда Суфурталовчини мазкур Шартномада кўрсатилган муддатда ва усулда дарҳол хабардор қилиши;

г) ушбу Шартнома доирасида Суфурталовчига нисбатан суфурта товони тўлаш талабини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳодиса юз берган тақдирда, Суфурталовчининг розилигисиз ускуналарни демонтаж қилиш ёки ТВни таъмирлашга доир ҳеч қадай ишларни бошламаслиги;

д) ушбу Шартноманинг 7-бўлимида кўрсатилган, юз берган ҳодисанинг барча ҳолатларини ўрганиш учун зарур бўлган барча хужжатларни Суфурталовчига тақдим этиши;

е) суфурталанган ТВни эксплуатация қилиш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномага риоя қилиши, шунингдек, ундан фақат Ариза-анкетада кўрсатилған бевосита вазифасига кўра фойдаланиши;

ж) суфурталанган ТВни бошқаришга рухсат берилган шахслар эътиборига ушбу Шартнома талабларини етказиши;

з) ушбу Шартнома доирасида бирор-бир талабни асослаш мумкин бўлган ҳодиса юз берганида ТВни назоратсиз ва кейинги зарап ёки йўқотишларни бартараф қилиш учун кўриладиган тегишли чораларсиз қолдирмаслиги шарт. Агар ТВ Суфурталовчининг розилигисиз ҳаракатга келтирилган бўлса (хавфсизлик манфаатларида ёки ҳар қандай тегишли ҳокимиятнинг буйруқларини бажариш учун зарур бўлган ҳоллар бундан мустасно), у ҳолда заарнинг ҳар қандай равишида ортиши ушбу Шартномага мувофиқ тўланадиган суфурта товони суммасидан чиқариб ташланади;

и) Суфурталовчи ёки унинг вакиллариага ҳар қандай вақтда ТВ ва унинг қисмларини кўздан кечиришга тақдим этиши;

к) Суфурталовчи ҳисобига даъвони кўриб чиқиш ва регресс ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида Суфурталовчи томонидан талаб қилиниши мумкин бўлгэн барча далолатномалар ва тартиб-таомилларни бажаришга рози бўлиши;

л) ушбу Шартнома амал қилиши даврида Суфурталовчидан олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаши, Суфурта қилдирувчи ва Наф олувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат органларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ҳоллар бундан мустасно;

м) ҳодиса ҳақида у содир бўлган жойда баённома ёки маъмурий хужжат албатта тузилган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига (ЙХХ, ЁХБ, ИИБ ва бошқаларга) дарҳол хабар қилиши шарт.

6.4. Суфурталовчи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

а) суфурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини камайтиришгэ қаратилган олдини олувчи



GROSS

«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1,3,10

15-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.

тадбирларни ўтказиш;

б) суфурта ҳодисаси юз бериши таваккалчиллиги даражасини тавсифловчи күшимча хужжатларни талаб қилиш. Ушбу Шартнома амал қилиши даврида таваккалчиллик даражаси ўзгарган тақдирда, суфурта мукофотининг миқдори вазиятга боғлиқ равишда ошириш ёки камайтириш томонга қайта кўриб чиқилиши мумкин;

в) Суфурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи томонидан тақдим этилган ахборотни, шунингдек, улар томонидан ушбу Шартнома шартлари бажарилишини текшириш;

6.4.1. Суфурта товони тўлашни рад этиш:

а) Суфурта қилдирувчи/Ҳайдовчи/Наф оловчи томонидан ушбу Шартнома бўйича ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда;

б) агар Суфурта қилдирувчи/Ҳайдовчи/Наф оловчи суфуртә ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги хабарномадан кейин суфурта ҳодисасининг мавжудлиги, характеристи ва сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган хужжатлар/материаллар ва маълумотларни 60 (олтмиш) кун ичидагим этмаган бўлса;

в) агар Суфурта қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи зиён етказган шахсга нисбатан даъводан ёки унга қўйиладиган талабларни амалга оширишни таъминлайдиган хукуқлардан воз кечса, шунингдек регресс талабини қўйиш учун зарур бўлган хужжатларни Суфурталовчига беришни рад этса.

6.4.2. Суфурталовчи юз берган ҳодисани, агар зарар миқдоғи суфурталанган ТВ суфурта суммасининг 5 (беш) фоизидан ошмаса, ушбу Шартнома 7.2.1-бандининг «б» кичик бандида назарда тутилган хужжатларни талаб қилмаган ҳолда суфурta ҳодисаси деб тан олиши тўғрисида қарор қабул қилиш хукуқига эга.

6.4.3. Суфурталовчи ушбу шартномада келишилган муддатда суфурta мукофоти (ёки унинг қисми) тўланмаган тақдирда, ушбу суфурta шартномасининг амал қилишини бир томонлама тартибда бекор қилиш хукуқига эга ва демак тўлов муддати тугаган пайтдан (навбатдаги тўлов тўланиши керак бўлган санадан) эътиборан Суфурta шартномасининг амал қилиши тутатилади ҳамда у ўз юридик кучини йўқотади (автоматик тарзда бекор қилинади) ва Суфурталовчи учун суфурta товонини тўлаш бўйича ҳеч қандай мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

6.5. Суфурталовчи қўйидагиларни бажариши шарт:

а) ушбу Шартномада белгиланган муддатларда Суфурta полисини бериши;

б) барча зарур хужжатлар қабул қилинганидан ва суфурta ҳодисаси юз берганлиги факти тан олинганидан кейин ушбу Шартномада келишилган миқдорда ва муддатларда суфурta товони тўлаши;

в) ушбу Шартнома бўйича Суфурta қилдирувчига маслаҳатлар бериши;

г) ушбу Шартнома амал қилиши даврида Суфурta қилдирувчидан/Ҳайдовчидан/Наф оловчидан олинган ахборотни сир сақланишига риоя қилиши шаёт, Суфурталовчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ давлат органларига ахборот тақдим этиши шарт бўлган ёки Суфурta қилдирувчининг/Наф оловчининг тегишли ёзма розилиги мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно.

7-БЎЛИМ. Даъвони кўриб чиқиш

7.1. Ушбу Шартнома доирасида суфурta товони тўлаш бўйича Суфурталовчига талабни асослаб бериши мумкин бўлган ҳодиса юз берган тақдирда, Суфурta қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи қўйидагиларни бажариши шарт:

7.1.1. ушбу Шартноманинг 2.1 ва 2.2-кичик бўлимларида келишилган воқеа юз берган тақдирда, Суфурta қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи воқеа юз берганлиги ҳақида бундан хабар топган пайтдан эътиборан дарҳол, аммо 5 (беш) иш кунидан кечикмай, бу ҳақда Суфурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши шарт. Ушбу Шартноманинг 2.3-кичик бўлимида келишилган воқеа юз берган тақдирда, Суфурta қилдирувчи/Суфурta қилинган шахс Суфурталовчини Суфурta

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

16-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

қилдирувчи/Суфурта қилингандык шахс воқеа содир бўлганлиги ҳақида ёилган пайтдан эътиборан 30 (үттиз) кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши;

7.1.2. воқеа ҳақида у содир бўлган жойда зарур ҳужжатлар (баёчнома ёки маъмурий ҳужжат) албатта тузилган ҳолда дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилувчи оргэнларга (ЙҲХ, ЁҲБ, ИИБ ва бошқаларга) ариза бериши шарт.

Мазкур талаб зарар миқдори суфурта суммасидан 5% дан ошмаган тақдирда шарт бўлмайди, бундан учинчи шахслар иштирокидаги ЙТҲ, ёнғин, портлаш ёки учинчи шахсларнинг файриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида юз берган суфурта воқеалари мустасно;

7.1.3. Суфурталовчига шикастланган ТВни кўздан кечириш учун тақдим этиши ва тиклаш ишлари амалга оширилишига қадар ТВнинг барча шикастланган қисмларини фотосуратга ёки видеотасвирга тушириши шарт.

7.2. Суфурта ҳодисаси юз берганлиги ҳақидаги ёзма аризага Суфурта қилдирувчи/Наф олувчи қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши керак:

7.2.1. ТВ нобуд бўлганида ёки шикастланганида:

а) Суфурта полиси;

б) юз берган ҳодисанинг ҳолатларини текширишни ўтказишга ваколати бўлган тегишли ваколатли органлардан ҳодиса сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилган ҳолда материаллар (қарор, ҳайдовчиларни тиббий текширувдан ўтказиш тўғрисидаги маълумотнома ва бошқалар).

Ушбу банднинг «б» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этиш зарар миқдори мазкур Шартноманинг 2.1.1-бандида белгиланган суфурта суммасидан 5% дан (беш фоиздан) ошмаган ва зарар учинчи шахслар иштирокидаги ЙТҲ, ёнғин, портлаш ёки учинчи шахсларнинг файриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида юз бермаган тақдирда шарт бўлмайди;

в) ТВни рўйхатдан ўтказилганлиги гувоҳномаси (техник паспорти);

г) ҳайдовчилик гувоҳномаси;

д) йўл варақаси, ишончнома ёки ТВга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф қилиш ҳуқуқи учун ишончнома тенглаштирилган бошқа ҳужжат;

е) баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга баҳолаш ташкилоти томонидан тузилган барча ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар кўрсатилган ҳолда Моддий зарарни баҳолаш калькуляциянинг нусхаси.

7.2.2. ТВ ёки унинг агрегатлари, деталлари, тизимлари, узеллари, қурилмалари ва/ёки конструкцияси элементлари ўғирланганида, шунингдек, ТВ ўғирланishi натижасида нобуд бўлган ёки шикастланган тақдирда:

а) Суфурта полиси;

б) юз берган воқеанинг ҳолатларини текширишни ўтказишга ваколати бўлган тегишли ваколатли органлардан ҳодиса сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилган ҳолда маълумотнома;

в) ТВ ни рўйхатдан ўтказилганлиги гувоҳномаси (техник паспорти);

г) йўл варақаси, ишончнома ёки ТВ га эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф қилиш ҳуқуқи учун ишончномага тенглаштирилган бошқа ҳужжат;

д) ТВ нинг агрегатлари, деталлари, тизимлари, узеллари, қурилмалари ва/ёки конструкцияси элементлари ўғирланганида – баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга баҳолаш ташкилоти томонидан тузилган барча ишлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар рўйхати кўрсатилган ҳолда Моддий зарарни баҳолаш калькуляциянинг нусхаси.

7.2.3. Жабрланганларга тан жароҳатлари ва/ёки моддий зарар етказилган тақдирда:

а) суфурта полиси;

б) содир бўлган воқеа муносабати билан Суфурта қилдирувчи/Наф олувчи/Ҳайдовчи томонидан олинган ҳужжатлар (учинчи шахснинг даъво аризаси, хатлар, чақириқлар ва бошқалар);

в) ваколатли органларнинг (ЙҲҲБ ва/ёки суд ва шу кабиларнинг) ЙТҲ ҳақидаги хulosаси ёки Қарори;

г) жабрланганлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

7.2.4. Суфурта қилингандык шахслар тан жароҳатларини олган тақдирда:

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

17-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

- а) суфурта полиси;
- б) юз берган воқеанинг ҳолатларини текширишни ўтказишга ваколати бўлган тегишли ваколатли органлардан ҳодиса сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилган ҳолда маълумотнома;
- в) ЙТҲ иштирокчиларининг Суд-тиббиёт экспертизаси хуносаси нусхаси;
- г) ЙТҲ натижасида содир бўлган баҳтсиз ҳодиса сабабли давслаш ёки тиббиёт муассасаси томонидан берилган Суфурта қилинган шахсларнинг меҳнатга вақтинча ёки доимий қобилиятсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлари (Суфурталанган шахснинг касаллик тарихидан кўчирма, ТМЭК хуносаси ва ш.к.);
- д) вафот этган тақдирда – Ўлим ҳақидаги гувоҳнома.

Ушбу Шартноманинг 7.2-бандига мувофиқ тақдим этилган ҳужжатларнинг асли улардан кўчирма нусха олинганидан ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги тасдиқланганидан кейин Суфурта қилдирувчига (ёки тақдим этган бошқа шахсга) қайтариб берилади.

7.3. Зарурат бўлганида, ҳодиса ҳолатларини аниқлаш ва/ёки зарар миқдорини белгилаш мақсадида Суфурталовчи суфурта товони тўлаш масаласини ҳал қилиш учун мазкур Бўлимда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга.

7.4. Мазкур воқеага тааллуқли барча ҳолатлар ўрганилганидан кейин Суфурталовчи содир бўлган воқеани суфурta ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида (ёки суфурta товони тўлашни рад этиш ҳақида) қарор чиқаради. Суфурталовчи юз берган воқеани суфурta ҳодисаси деб тан олган тақдирда, тўланиши лозим бўлган суфурta товони суммаси белгиланади ва у Суфурta ҳодисаси тўғрисида далолатномада кўрсатилади.

7.5. Агар воқеа юз берганлиги факти бўйича жиноят иши, фуқаролик иши ёки маъмурий жазо кўллаш тўғрисида иш қўзғатилган бўлса, Суфурталовчи тўланиши лозим бўлган суммани тўлаш ҳақидаги масалани ҳал қилишни ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиниши пайтига қадар кечиктириш ҳуқуқига эга.

7.6. Суфурta ҳодисаси юз берганлигини исботлаш ва зарар суммасини асослаш Суфурta қилдирувчи/ Наф олувчи зиммасига юклатилади.

7.7. Суфурta воқеасининг характеристи ва ҳолатларига боғлиқ равишда Суфурталовчи юз берган воқеани ушбу Шартноманинг 7-бўлимида кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини талаб қилмаган ҳолда суфурta ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида (ёки суфурta товони тўлашни рад этиш ҳақида) қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

8-БЎЛИМ. СУФУРТА ТОВОНИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

8.1. Ушбу Шартномага кўра Суфурta товони қўйидаги тартибда тўланади:

8.1.1. ТВ нобуд бўлганида ёки ўғирланганида – кўрилган зарар миқдорида, аммо Суфурta полисида кўрсатилган суфурta суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда, Якуний франшиза суммасини айриб ташлаган ҳолда тўланади.

8.1.2. Суфурталанган ТВ шикастланганида – моддий зарарни баҳолаш бўйича наряд-буортма/ баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган баҳолаш ташкилоти томонидан тузилган моддий зарарни баҳолаш учун калькуляция суммаси миқдорида, аммо Суфурta полисида кўрсатилган суфурta суммасидан ортиқ бўлмаган миқдорда, Якуний франшиза суммасини ҳисобга олган ҳолда тўланади.

Суфурталовчи суфурталанган ТВни Якуний франшиза шартларини эътиборга олган ҳолда суфурta товони ҳисобидан ўз ихтиёрига кўра таъмирлашни ташкил қилишга ва унинг ҳақини тўлашга ҳақли. Бунда суфурta товони тўлаш шаклини танлаш ҳуқуқи Суфурталовчидаги қолади.

1-максус қўшимча шарт

Ушбу билан тарафлар мазкур Шартномага кўра Суфурta қилдирувчининг/Наф олувчининг/ Ҳайдовчининг суфурталанган транспорт воситасини эҳтимол қилинган ўзгартириши/ тасдиқлайди ва бунга рози бўлади.

2-максус қўшимча шарт



«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1,3,10

18-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.

Ушбу билан тарафлар мазкур Шартномага кўра суфурталанган ТВнинг суфурта ҳодисаси ёки ҳар қандай зарап ва/ёки иқлим омиллари таъсири оқибатида товар кўриниши йўқотилишига оид харажатлар қопланмаслигини тасдиқлади ва бунга рози бўлади.

8.1.3. Суфурталовчи Суфурта қилдирувчининг суфурталанган ТВни тиклашга оид амалга оширилган харажатлари асосида суфурта товони тўлаш хукуқига эга, бунда Суфурта қилдирувчи томонидан ушбу Оферта 6.3-бандининг «г» кичик банди бажарилиши ва барча исбот қилинадиган ва зарур бўлган хужжатлар (шартнома, бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома, тўлов топширифи ва шу кабилар) тақдим этилиши шарт.

Суфурталовчи қийидаги:

а) суфурта ҳодисаси келтириб чиқарган ва хужжатлар билан тасдиқланган, ТВни таъмирлаш жараёнida аниқланган яширин шикастланишларни бартараф қилиш билан боғлиқ;

б) суфурта ҳодисаси юзага келиши натижасида ТВга етказилган зарапни баҳолаш фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга баҳолаш ташкилоти томонидан амалга оширилган баҳолаш билан боғлиқ;

в) шикастланган ТВни Тошкент шаҳри чегарасида ва Тошкент ҳалқа йўлидан ташқарида 10 километр чегарасида (агар Тарафлар томонидан алоҳида бошқа келишув бўлмаса) эвакуация қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплайди ва/ёки хизматларни ташкил этади.

8.1.4. Суфурта қилинган ТВга суфурta ҳодисаси юз бериши оқибатида етказилган зарапни баҳолаш ва эвакуатор хизматлари бўйича харажатлар юзага келган тақдирда, суфурta товони сарфланган харажатлар миқдорида, аммо Суфурta полисида кўрсатилган суфурta суммасидан ортиқ бўлмаган ҳолда, қуйидаги тартибда тўланади:

Суфурталанган ТВга суфурta ҳодисаси юз бериши натижасида етказилган зарапни баҳолаш ташкилоти томонидан ўтказилган баҳолаш билан боғлиқ бўлган, хужжатлар билан тасдиқланган харажатлар суфурta ҳодисаси юз бериши кунига белгиланган битта базавий ҳисоблаш миқдори доирасида қопланади;

Шикастланган Суфурталанган ТВни, агар у суфурta ҳодисаси натижасида юрмайдиган ҳолда бўлса, тураг жойигача (гаражгача) транспортировка (эвакуация) қилишга доир ҳужжатлар билан тасдиқланган харажатлар суфурta ҳодисаси юз бериши пайтига белгиланган иккита базавий ҳисоблаш миқдори доирасида қопланади.

8.1.5. Агар ушбу Шартномада суфурталанган ТВнинг суфурta суммаси ТВнинг суфурta қийматидан паст белгиланган бўлса, Суфурталовчи суфурta ҳодисаси юз берганида Суфурta қилдирувчига/Наф олувчига улар томонидан кўрилган зарапларни суфурta суммасини суфурta қийматига нисбатига мутаносиб равища қоплаши шарт.

8.1.6. Суфурталанган ТВнинг олдинги шамол тўсадиган (олд томондаги) ойнаси предметларнинг урилиши ёки қулаши натижасида шикастланган ёки парчаланган тақдирда, Суфурталовчи томонидан тўланиши лозим бўлган суфурta товони суфурta суммасидан 2% (икки фоиз) миқдорда тўланади. Бунда мазкур ҳолат бўйича суфурta товони жами суфурta даври учун 1 (бир) марта ва ваколатли органлардан ҳужжатлар тақдим қилиш талаб қилинмаган ҳолда тўланади.

Суфурталанган ТВнинг олдинги шамол тўсадиган (олд томондаги) ойнаси шикастланиши ёки парчаланишининг бошқа ҳолатларида (шу жумладан ЙТХ, учинчи шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари ёки бошқалар натижасида) суфурta товони тўлаш масаласини кўриб чиқиш учун ваколатли органлардан суфурta ҳодисаси фактини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади.

8.1.7. Жабрланганларга тан жароҳатлари ва/ёки моддий зарап етказилган тақдирда – Суфурta қилдирувчига/Наф олувчига/Хайдовчи томонидан жабрланганларга тан жароҳатлари ва/ёки моддий зарап етказилганлиги учун зарап миқдорида (ёки ваколатли орган томонидан белгиланган суммада), аммо Суфурta полисида кўрсатилган суфурta суммасидан кўп бўлмаган миқдорда тўланади.

8.1.8. Мажбурий ва ихтиёрий суфурta шартномалари бўйича жабрланган шахснинг мол-мулкига зарап етказилганлиги учун суфурta товони тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келган

**GROSS**

**«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА**

FK-112/K1,3,10

19-бет 20 бетдан

07.08.2024 й.

тақдирда, биринчи навбатда мажбурий суфурта шартномаси бўйича суфурта товони тўланади, мол-мулкка етказилган заарнинг қопланмаган қисми ихтиёрий суфурта шартномаси бўйича қопланади. Бунда мажбурий ва ихтиёрий суфурта бўйича тўланган суфурта товонининг умумий суммаси жабрланган шахснинг мол-мулкига етказилган реал заарардан ошмаслиги керак.

8.1.9. Суфурта қилинган шахслар тан жароҳати олган тақдирда, суфурта тўлови Суфурта полисида кўрсатилган суфурта суммасига куйидаги нисбатда тўланади:

(I) ўзи билан соғлиқни қисқа муддатли бузилишини ёки меҳнат қобилиягини аҳамиятсиз даражада турғун йўқотилишини келтириб чиқарган ҳолда ҳам, чиқармаган ҳолда ҳам енгил даражада тан жароҳатлари учун – **суфурта суммасидан 5% миқдорда**;

(II) ўрта даражада тан жароҳатлари учун – **суфурта суммасидан 30% миқдорда**;

(III) оғир даражада тан жароҳатлари учун – **суфурта суммасидан 70% миқдорда**;

(IV) вафот этган тақдирда – **суфурта суммасидан 100% миқдорда**.

Ушбу Шартноманинг 2.3-кичик бўлими билан қопланадиган ҳар бир суфурta ҳодисаси бўйича ҳар бир Суфурта қилинган шахс учун суфурta тўловларининг умумий суммаси илгари тўланган суммаларни ҳисобга олган ҳолда Суфурта полисида кўрсатилган суфурta суммасидан ошмаслиги керак.

8.2. Суфурталовчи томонидан мазкур Шартнома 2-бўлимининг 2.1., 2.2., 2.3-кичик бўлимларида келишилган суфурta ҳодисаси юз берганида зарар ўрнини қоплаш учун амалга оширилган ҳар бир тўлов, агар Суфурta қилдирувчи томонидан суфурta суммасини тиклаш учун кўшимча суфурta мукофоти тўланмаса, мажбуриятлар лимитини бундай тўлов суммасига камайтиради.

Ушбу Шартноманинг 2.1-кичик бўлими бўйича суфурta товони тўланиши оқибатида Суфурталовчи мажбуриятлари лимитининг камайиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддаси талабларини инобатга олган ҳолда мазкур Шартнома бўйича кейинги суфурta ҳодисаларига нисбатан суфурta товони тўлашга асос бўлмайди.

8.3. Суфурta товони Суфурталовчи томонидан Суфурta ҳодисаси тўғрисида далолатнома имзоланган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш кун) ичida Суфурta қилдирувчи/Наф оловчи/Учинчи шахсларнинг банқдаги ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан, ушбу Шартноманинг 2.3-кичик бўлимида баён қилинган суфурta ҳодисаси юз берганида эса, Суфурta қилинган шахснинг шахсий ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан, у вафот этганида эса унинг меросхўрларига тўланади.

8.4. Суфурталовчи томонидан Ҳайдовчининг айби билан юз берган суфурta ҳодисалари бўйича суфурta товони тўланганидан кейин Ҳайдовчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957 ва 1001-моддаларида назарда тутилган қайта талаб қилиш хукуқлари (суброгация ва регресс) кўлланмайди.

8.5. 2.1-кичик бўлими бўйича суфурta товони Наф оловчига тўланади.

8.6. 2.2-кичик бўлими бўйича суфурta товони жабрланганга (жабрланганларга) тўланади. Бунда агар Суфурta қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи Суфурталовчининг ёзма розилиигига кўра жабрланганларга зарар ўрнини қоплаган бўлса, тўланиши лозим бўлган суфурta товони Суфурta қилдирувчига/Наф оловчига/Ҳайдовчига тўланади.

8.7. 2.3-кичик бўлими бўйича суфурta таъминоти бевосита Суфурta қилинган шахсларга ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиигига кўра уларнинг меросхўрларига тўланади.

8.8. Суфурталовчининг суфурta товони тўлашни рад этиш ёки тўлаш ҳақидаги қарори Суфурta қилдирувчига у суфурta товони тўлаш ҳақида ёзма мурожаат қилганидан кейин 15 (ўн беш) кундан кечикмай хабар қилиниши ва суфурta товонини тўлаш рад этилганидэ мазкур қарор рад этишнинг асосланган сабабларини ичига олиши керак.

8.9. Агар суфурta товони тўланганидан кейин ТВга зарар етказилганлиги муносабати билан Суфурta қилдирувчига/Наф оловчига ёки манфаатдор тарафга зарар ўрни айбдор ёки бошқа тараф томонидан қопланган бўлса ва/ёки қопланётган бўлса, Суфурta қилдирувчи/Наф оловчи/Ҳайдовчи ўзига илгари тўланган суфурta товонини ушбу сумма миқдорида Суфурталовчига



қоллаши керак.

«GROSS KASKO GOLD»
ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ИХТИЁРИЙ
СУФУРТА ҚИЛИШ УЧУН
ОММАВИЙ ОФЕРТА

FK-112/K1,3,10

20-бет 20 бетдан
07.08.2024 й.

9-БҮЛІМ. ТАРАФЛАРНИҢ ЖАВОБГАРЛЫГИ

9.1. Тарафлар ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлыги ёки лозим даражада бажармаганлығи учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилігінде мувофиқ жавобгар бўлади.

9.2. Суфурта қилдирувчиға/Хайдовчиға/Суфурталанган шахсларга/Учинчи шахсларга тўланиши лозим бўлган суфурта товонини тўлаш муддати ўтказиб юборилганини учун Суфурталовчи Суфурта қилдирувчиға ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтказиб юборилган сумманинг 0,2% миқдорида, лекин ушбу шартнома бўйича тўланиши лозим бўлган сумманинг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди. Пеняниңг тўланиши суфурталовчини суфурта товонини тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

9.3. Тарафлар Суфурта шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлығи учун, агар мажбуриятларни бундай бажармаслик енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор) натижасида келиб чиқсан бўлса, жавобгаргарликдан озод қилинади. Енгиб бўлмас куч ҳолатлари таъсирига учраган Тараф мазкур ҳолатларнинг юзага келганлиги ва уларнинг таъсири давом этиши эҳтимоли ҳақида бошқа Тарафни дархол хабардор қилиши шарт. Бунда форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тўланган суфурта мукофоти суфурта даврининг тугамаган қисми учун қайтарилади.

10-БҮЛІМ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу Суфурта шартномасида назарда тутилган масалалар юзасидан низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш чораларини кўради.

10.2. Ушбу Суфурта шартномасидан келиб чиқадиган, шу жумладан унинг ижро этилиши, бузилиши, тугатилиши ёки ҳақиқий эмаслигига тааллуқли низолар, келишмовчиликлар ёки талабларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилігига мувофиқ ҳал қилиниши ва кўриб чиқилиши лозим.

11-БҮЛІМ. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Суфурта полисига киритиладиган барча ўзgartиш ва қўшимчалар, шунингдек, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тарафларнинг розилиги билан ёзма кўринишида амалга оширилиши керак.

11.2. Тарафларнинг ушбу Офертада баён қилинмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

«Қабул қилиш»

«Бекор қилиш»